


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 13 февраль, №36 (3148) Пайшанба


## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 февраль куни Оқсаройда Германия федерал мудофаа вазири Петер Штрукни қабул қилди.

Меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ислом Каримов Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик барча жабҳада изчил ривожланаётганидан мамнуният билдирди.

Айниқса иқтисодий алоқаларимиз кўлами кенг, — деди жумладан давлатимиз раҳбари. — Турли вазирлик ва идоралар, фирма ва компаниялар, ишбилармонларнинг алоқалари ривожланиб бормоқда. Биз буни жуда қадрлаймиз.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон билан Германия минтақавий хавфсизлик борасида ҳамда ҳарбий-техникавий соҳада ҳам жиддий ҳамкорликни йўлга қўйган. Қўшни Афғонистондаги тикланиш жараёнларида томонларнинг ҳамжиҳат ҳаракатлари бунга далилдир.

Учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, Афғонистондаги вазият, тикланиш жараёни, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 февраль куни Оқсаройда АҚШнинг «Данавант» компанияси президенти Уильям Данавантни қабул қилди.

Таъкидламоқ жоизки, айни пайтда маркетинг тадқиқотлари жаҳон пахта бозоридаги коньюнктура ижобий томонга ўзгараётганини кўрсатмоқда. Қатор йиллардан буён Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб келаётган «Данавант» компанияси эса алоқаларни ривожлантириш борасида ўз режаларига эга. Президент Ислом Каримов истиқболда ҳам бундай ҳамкорлик самараси ортишига ишонч билдирди.

"Данавант" пахта экспорти ва импорти бўйича дунёнинг энг йирик компанияларидан бири. Унинг бир йилда тозалайдиган, сақлайдиган, сотадиган толаси 1 миллион тоннадан ошади.

Учрашувда Ўзбекистондаги пахта тозалаш заводларини замонавийлаштириш, толанинг экспорт-импортини такомиллаштириш соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари муҳокама этилиб, алоқалар кўламини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

*Корея Республикаси адлия вазири Шим Санг Менг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. У раҳбарлик қилаётган делегация вакиллари 12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Абдусамат Полвонзода билан учрашди.*

## ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Мулоқот чоғида икки томонлама алоқалар изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Жумладан, мамлакатларимизнинг қонунчилик соҳасидаги ҳамкорлиги, хусусан, ҳуқуқ-тартибот тизимини ислоҳ қилиш, бу борада ўзаро тажриба алмашиш кенг йўлга қўйилгани диққатга сазовордир. Учрашувда томонлар ўзаро ҳаморликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

Жанубий Корея делегацияси Тошкент давлат юридик институти ўқитувчи ва талабалари билан учрашди. Суҳбат давомида самарали алоқалар кўламини янада кенгайтириш, ўзаро ҳамкорлик доирасида турли дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан фикрлашиб олинди.

Шу куни Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам ҳамда тутиб бериш тўғрисидаги шартномалар имзоланди. Ҳужжатларга икки мамлакат адлия вазирлари имзо чекди.

**(ЎзА).**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сизга самимий табрик ва энг эзгу истакларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Ийд ал-Адҳонинг саодатли айёми мусулмон умматини инсоният манфаатлари ҳамда ислом динининг равнақи ва шуҳрати йўлида янада жипслаштиришига ишонаман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омонлик, биродар Ўзбекистон Республикаси халқига эса тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилайман.

**Иажуддин АҲМАД,**
**Бангладеш Халқ Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига қизғин табрикларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, биродар мамлакатингиз халқига эса давомли тараққиёт тилайман.

**Мактум бин Рошид Ол МАКТУМ,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни Туркия Республикаси ҳукумати ва ўз номимдан самимий табриклаб энг эзгу тилакларимни йўллайман.

**Самимий ҳурмат билан,**
**Абдуллоҳ ГУЛ,**
**Туркия Республикаси Бош вазири.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, биродар Ўзбекистон халқига эса давомий равнақ ва фаровонлик тилаб, ўзимнинг самимий табрикларимни йўллаш менга мамнуният бахш этмоқда.

Ушбу муборак дамларда, Аллоҳдан бизларни барқарорлик ва бирдамлик сари йўллашини сўраймиз.

Сиз, Жаноби Олийларига бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Камоли эҳтиром ила,**
**Саъд ал-Абдуллоҳ ас-Салим ас-Сабоҳ,**
**Қувайт Давлати валиаҳди ва Бош вазири.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Аллоҳ Сизни ўз паноҳида асрасин!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимни изҳор қилиб, Аллоҳ азза ва жалладан Сизни ўз паноҳида асрашини, эзгу ниятларингизнинг амалга ошишида қўллаб-қувватлаши ва муваффақиятлар ато этишини сўрайман.

Ушбу муборак айём Сиз ва Ўзбекистон халқига такрор ва такрор насиб этишини, бунёдкорлик ва тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатларингиз бардавом бўлишини тилайман.

**Юксак эҳтиром ила,**
**Абдулвоҳид БЕЛКАЗИЗ,**
**Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому Алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Ислом оламининг муборак байрами — Ийд ал-Адҳонинг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига, Сиз орқали ҳукуматингиз ва Ўзбекистоннинг биродар халқига Фаластин халқи, раҳбарияти ва шахсан ўз номимдан самимий ва қизғин табрикларимни йўллашдан мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса равнақ ва тараққиёт тилаб қоламан.

**Ёсир АРАФОТ,**
**Фаластин Мухторияти раиси.**



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш масалалари бўйича парламент комиссияси таркибидаги мустақил ва хавфсизлик масалалари бўйича кичик комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда хавфсизлик ва мустақилликни мустаҳкамлаш масалаларига таалluқли ахборот-тарғибот материалларини ишлаб чиқишга илмий ёндашиш, бундай материалларни давлат идоралари, олий ўқув юртлари, лицейлар, мактаблар ва бошқа ўқув муассасаларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, нодавлат ташкилотларда кенг ёйиш, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Айни чоғда йиғилиш қатнашчилари ахборот-маърифий йўналишдаги материалларни тарихимиз ва миллий анъаналаримиз билан жипс ҳолда тайёрлаш муҳимлигини таъкидладилар.

Мустақилликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш талабидан келиб чиқиб фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларни, Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ўзлигини англашини кучайтириш, омманинг ҳушёрлиги ва огоҳлигини оширишга оид тадбирлар ташкил этиш, тушунтириш ишларини ўтказишнинг шакллари хилма-хиллигига эришиш ҳамда таъсирчанлиги кўламини кенгайтириш зарур. Бу борадаги ишларда юксак маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятини янада кучайтириш муҳим аҳамиятга эгадир. Кичик комиссия раиси Э.Воҳидов таъкидлаб ўтганидек, миллий мустақиллик ва хавфсизлик концепциялари Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тараққиётининг устувор йўналишлари билан уйғунлашиб кетади, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллигини юксалтиришга кўмаклашади.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси томонидан «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» деган умумий мавзу остида тайёрланган видеофильм билан танишдилар.

Кичик комиссия ишида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Тошкент давлат юридик институтининг вакиллари иштирок этдилар.

### Пойтахтимизда



*Вазирлар Маҳкамасида "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этди.*

## «Обод маҳалла йили» Дастури — ҳаётга

Президентимиз томонидан имзоланган Дастур республикамизнинг барча фуқаролари моддий, маиший ва ижтимоий ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олган бўлиб, унинг ижросини таъминлашда республика давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаол иштироки зарур бўлади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Дастур фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тизимининг жамият ҳаётидаги таъсири ва имкониятларини ҳар томонлама кенгайтиришини алоҳида таъкидлади. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун, аввало, маҳаллалар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Дастурда кам таъминланган оилалар ва маҳалла аҳолисининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, маҳаллаларда тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва савдони, кичик бизнес соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини барпо этишга алоҳида эътибор берилган. Бу эса, ўз навбатида, маҳалла аҳлининг турмуш шароитларини яхшилаб, маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантиради.

Ўтган 2002 йил Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилиниб, кекса авлод вакилларига жуда кўп эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу савобли иш бир йил билан чекланиб қолмаслиги лозим. Ўша эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш мақсадида "Обод маҳалла йили" Дастурида кекса авлод вакиллари учун яна ўнлаб ҳаётий зарур тадбирлар назарда тутилган. "Обод маҳалла йили" дастурида нафақат кекса авлод вакиллари, айни чоғда маҳаллаларимизнинг барча ёшдаги аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, фарзандларимизнинг аввалги йиллардагига нисбатан кўпроқ қисмининг дам олиш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришлари учун шароит яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

(Давоми 3-бетда).

### Жойлардан хабарлар

## Сара уруғ

Икки йилдирки, шаҳрихонлик пахта усталари гектарлар ҳосилдорлигини 40 центнердан оширмоқдалар. Улар бу муваффақиятни истиқболли навларни танлаш билан боғлашмоқдалар.

Дарҳақиқат, ўтган йили Т. Саримсоқов номли ширкат хўжалиги деҳқонлари ғўзанинг «С-2609» навини парваришлаб, гектаридан салкам 49, Навоий номли хўжалик миришкорлари эса «С-6524» навидан 47,6 центнердан хирмон уйдилар. Андижон далаларини ёқтириб қолган бу навларни В. Усмонов номли пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти жамоаси нав хусусиятларига қараб босқичма-босқич тайёрлашга киришганлар.

Қайта ишловчилар экиш мавсумига қадар деҳқонларга 8560 тонна сара уруғлик етказиб беришни режалаштирган. Ҳозирга қадар «С-2609» ҳамда «Армуғон» навлари уруғи қўлдан чиқариб бўлинди. Йилни 60 миллион сўм соф фойда билан якунлаган саноатчилар «С-6224» навли уруғлик пахтани тозалаш ишларини ҳам ниҳоясига етказиш арафасида.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ.**

## «Омад» омадли бўлди

Ўтган йили Сирдарё вилояти «Тадбиркор аёл» уюшмаси қошида кредит иттифоқи тузилган эди. Ўзбекистон Республикасининг «Кредит иттифоқлари тўғрисида»ги Қонуни чиққандан сўнг, тадбиркор аёллар ҳам ўз жамғармаларини расмийлаштириб, «Омад» деб ном қўйдилар. Яқинда кредит иттифоқининг бўлиб ўтган таъсис конференциясида Бутунжаҳон кредит иттифоқлари кенгашининг мамлакатимиздаги бош вакили, Осиё тикланиш ва тараққиёт банкининг қишлоқ жойларида кредит иттифоқлари ташкил этиш лойиҳаси раҳбари Фринсис Гоизалес сўзга чиқди.

**А. ХОНИМҚУЛОВ.**

## Сурхон боғларга бурканади

Кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида боғлар тобора кенгайиб бормоқда. Ҳар йили миллионлаб туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилаётир. Бу йил сурхондарёликлар беш ярим миллион тупдан кўпроқ мевали ҳамда манзарали кўчатларни экишни режалаштиришган. Ҳозирда жамоаларда, маҳалла-кўйларда кўчат экиш бошланди. Хусусан, Сариосиё, Олтинсой, Жарқўрғон, Шўрчи туманлари аҳолиси ўзлари яшаётган жойларни боғ-роғларга буркаш ниятида ғайрат билан ишга киришдилар.

## Давлатободга «Экосан» мукофоти

Наманганнинг Давлатобод туманида кўча ва хиёбонлар, турар-жойларни обод ҳамда кўркам қилиш кўпчиликнинг жонажон ишига айланган.

Яқинда республика «Экосан» халқаро жамғармаси давлатободликларни «Экология ва саломатлик» йўналишида ўтказилган кўрик-танловнинг ғолиби, деб топди. Туманга жамғарманинг махсус дипломи ҳамда бир миллион сўм миқдоридаги пул мукофоти топширилади.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ.**




***Хўжалик йили якунлари тарози палласига қўйилаётган дамларда ҳисоб-китоб юритувчининг ёниқ калькуляторида қанчадан-қанча рақамлар сафланади. Тугмаларга оҳиста теккан бармоқ боис бир ҳосила ўчиб, иккинчиси пайдо бўлади. Ҳамманинг кўнглида бир савол: охирги натижа салмоғи қай даражада?***

## Ҳисобот нимани кўрсатди?

Рақамлар ўжар бўлади, дейишади. Ҳа, улар сиз ва бизнинг ихтиёримизга бўйсунмайди. Рақамлар жозибадор ҳам бўлади. Айниқса, улар ютуқларимизни ифода этса. Рақамлар ташвиш ва безовталикни ҳам акс эттириши мумкин. Айниқса, ишимизнинг мусбат жиҳатлари — зарар кўриш, қарздорлик кўрсаткичлари олдида анчагача бошимизни қашиб ўйланиб қоламиз.

Йил бўйи қилинган меҳнатнинг натижасини синчковлик билан таҳлил қилишнинг аҳамияти катта. Шундай дамларда ҳар биримизнинг кўнглимизда "Қайси ҳолатда хатога йўл қўйдик?" ёки "Натижамиз бундан ҳам баракали, чўғли бўлиши мумкинмиди?" деган саволлар пайдо бўлади.

(Давоми 2-бетда).

# Ҳисобот нимани кўрсатди?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳамма соҳада бўлгани каби мамлакатимиз агросаноатчилари ҳам 2002 йилда босиб ўтилган йўлга назар ташлашди, эришилган кўрсаткичларни элакдан ўтказишди. Биз айнан мазкур мажмуа ҳисоботига урғу бераётганлигимиз ўз-ўзидан тушунарли. Уларнинг меҳнати бутун халқимизнинг кайфиятини белгилайди, ризқ-рўзини таъминлайди.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, Президент Ислом Каримов юритаётган изчил иқтисодий сиёсат ижобий самара бермоқда. Якунланган йилда барча тизимда 2001 йилдагига нисбатан ялпи маҳсулот 6,1 фоиз, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 5,1 фоиз ўсишига эришилди. Бошоқли дон экинларини етиштириш ҳажми кўзда тутилганига нисбатан 110,3 фоизни, 2001 йилдагига таққослаганимизда 138 фоизни ташкил этди. Яна бир эътиборли рақам: агросаноат мажмуига қарашли қўшма корхоналар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш аввалги йилдагига нисбатан 33,5 фоиз ортди.

Хўш, биз тилга олган рақамлар нималарни кўрсатади? Дастлабки хулоса шуки, мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоғи — агросаноат тизимида иш унумдорлигини ошириш борасида самарали механизм яратилди. Тармоқ таркибига кирувчи корхоналарнинг раҳбарлари иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини англаб етиб, ўз салоҳиятларини кўзланган мақсадга йўналтирмоқдалар. Албатта, бундай мушоҳада юритишимизга макроиқтисодий кўрсаткичлар асос бўлади. Ҳаётимиз ичига яқинроқ кириб борсак — ширкат хўжаликлари, фермер, пудратчилар фаолияти билан қизиқсак, қандай манзаранинг гувоҳи бўламиз?

Шу кунларда барча поғонадаги хўжалик субъектларида ўтган йил якунлари таҳлил қилиняпти, жорий йилда юқори натижаларни қўлга киритиш стратегияси пишитилмоқда. Албатта, дала ишлари нисбатан қизиб кетмаган ҳозирги пайтда деҳқоннинг катта курашга қандай чоғланиши муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, 2002 йил натижаларини танқидий баҳолаш, муваффақиятларга маҳлиё бўлмаслик диққат марказимизда туриши керак. Афсуски, баъзилар ҳисобот деганда қилинган ишларни бирма-бир санаш, ютуқлар билан мақтанишни тушунишади. Амалга оширилган ишлар ҳақида гапирганда ҳам асосий мақсад келажакка йўналтирилиши муҳимдир. Ҳисобот аввалида ижобий ютуқларни меъёрида таъкидлаш одамларимизда ўз кучларига ишонч туйғусини оширади, айни пайтда муваффақиятга эришиш омилини келгуси фаолиятимизга дастак қилиш имконини яратади.

Танқидий баҳо бериш деганда, ўз ишимизни ерга уришни тушунмаслигимиз керак. Гап шундаки, ҳар бир жамоа, ҳар бир инсон салоҳияти ишга солинмаган улкан имкониятлардан иборатдир. Нега шу қобилият якунланган йилда тўлиқ намоён бўлмади? Бундан буён пировард натижани яхшилаш учун қандай шарт-шароит яратилиши керак? Шу ва шу каби сабоқли саволларга жавоб излаш танқидий баҳо бериш мазмунидир.

Бободеҳқоннинг ҳикматли бир сўзи бор: сув келмасдан банд ташла. Бу — ҳар қандай юмушни олдиндан кўра бил, аввалдан чорасини кўзла дегани. Модомики, ўтган йили далани экишга ҳозирлашда вақтдан бой берган бўлсак, бу йил ҳушёр бўлайлик. Агар 2000-2001 йиллардаги сув танқислиги 2002 йилда ҳам кам майдонларга дон экишимизга сабаб бўлган бўлса, ўша сабоқдан тўғри хулоса чиқарайлик. Хуллас, кечаги ютқизиқларни ҳисобга олиш ҳам эртанги ишимизни яхшилашга хизмат қилсин.

Қишлоқ хўжалигининг тармоғи кенг бўлгани каби хўжалик юритишнинг самарали омиллари ҳам кўпдир. Уларни тўлиқ санаб чиқиш мураккаб. Қашқадарё вилоятидаги пешқадам жамоа — "Жейнов" ширкат хўжалиги (раиси Ўзбекистон Қаҳрамони Муродилла Саидов) аъзоларидан ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштириш сирларини сўраганимизда, лўнда қилиб "Моддий манфаатдорликни таъминлашда" деб жавоб қилишди. Демак, экишнинг сифатли бўлиши ҳам, парваришнинг талабга мувофиқлиги ҳам, хирмон баракаси ҳам — ҳамма-ҳаммаси далада ишлаётган деҳқон меҳнати ўз вақтида рағбат топиши туфайлидир. Қолаверса, бу — бозор иқтисодиётининг бош талабидир. Лекин ҳисоб рақамида бир тийин ҳам пули бўлмаган хўжаликлар нима қилади? Улар вазиятдан чиқишнинг қайси чорасини кўришади? Тоғли туманлардан биридаги хўжалик раҳбари нолиб қолди: 2002 йилда топширган буғдойимиз 24 миллион сўм баҳоланди, уни ўриб-йиғиш 26 миллион сўмга тушди. Афсуски, бундай хўжаликлар мамлакатимизда кам эмас. Демак, молиявий соғломлаштириш масаласи кун тартибидан тушмайди.

Хўжалик йили натижалари деганда, фақат рақамларни ҳам тушунмайлик. Одамларнинг бозор муносабатларига кўникма ҳосил қилаётганини қайси рақамда ифодалаш мумкин?! Шартномаларни тузишдаги такомиллашув ҳам ўзига хос натижа. Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш устидан доимий мониторингнинг йўлга қўйилиши оддий воқеага айланди. Балки бу натижалар рақамларда намоён бўлмас. Ҳар ҳолда буларни агросаноат тармоғидаги ижобий силжишлар қаторида таъкидлаш мумкин.

Таъбир жоиз бўлса, бугун таҳлил қилинаётган якунлар эртанги натижаларимизга мустаҳкам замин вазифасини ўтасин. Ўшанда пок ният билан Яратгандан сўраган илтижоларимиз ижобат топгусидир.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**



# «Терак — ҳаммага керак»

*— дейди Хатирчи тумани оқсоқоллар кенгаши раиси Пирмамат Нурмуродов*

Эсингизда бўлса, 1994 йилда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Бу, шак-шубҳасиз, узоқни кўзлаб ташланган қадам бўлиб, бугунги кунда унинг самараси Хатирчи туманида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

— Туманимизда нима кўп деб сўрасангиз, ҳеч иккиланмай, терак деб жавоб берардим, — дея сўзида давом этади Пирмамат бобо. — Чунки теракчилик бизда жуда тез ривожланади. Терак экмаган оила йўқ ҳисоб. Томорқалардаги теракларни ҳисоблаб чиқдим, 2 миллион тупдан кўпроқ экан...

Мана, бир неча йиллирки, ўзимизни-ўзимиз қурилишбоп материаллар билан тўлиқ таъминлаяпмиз, десам ҳеч ажабланманг. Унинг битмас-туганмас даромад манбаи эканлигини ҳам дилдан ҳис этаяпмиз.

Шароф Рашидов номли ширкат хўжалигида яшовчи Раҳматулла Исмоиловлар оиласи бир гектар теракзорнинг шарофати туфайли ҳам «Нексия», ҳам «Дамас»ли бўлишди. «Дамариқ» маҳалласидан Ғаффор Ёдгоров, Турди Рустамовлар ясаётган турли хил буюмлар жуда харидоргир. Мирзо Улуғбек номли ширкат хўжалигидан Раҳматулла Ҳусанов ўғиллари Акмал, Қутбиддин ва Уйғунлар билан шундай чиройли мебеллар ясашаяптики, қойил қоласиз. Ярқираб турган стол, стул, диван, шкаф каби жиҳозлар хорижникидан асло қолишмайди.

Янгирабод шаҳрида истиқомат қилувчи Ўрол Абдураззоқов ҳам теракка ўта ўч. Ҳар йили томорқасига терак қаламчаларини қадайди. Бундан бир неча йил олдин ўтқазган кўчатлари сарвқомат дарахтлар-

**Қарор ва ижро**

га айланган, иморатга ярайдиганлари кўп. Ҳозир икки гектар ташландиқ ерда 10 минг туп атрофида терак ўстираяпти, кўрсангиз, ҳавасингиз келади. Хуллас, 30 минг оилага терак қўшимча даромад келтираяпти. Оилаларгина эмас, ширкат хўжаликлари ҳам иморатбоп теракдан яхшигина фойда олиш йўлларини ўрганиб олишди. Мана, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги 3 гектар теракзордаги ёғочбоп дарахтларни икки марта кесиб сотди. Даромаддан ҳамма манфаатдор.

Оқсоқолнинг фахрланиб гапирганича бор. Терак — хосиятли дарахт. Тез ўсади, қисқа вақт мобайнида нафи тегади, ёғоч сифатида қурилишда ҳам, саноатда ҳам кенг фойдаланилади.

Хўш, бу борада «Хатирчи» ўрмон хўжалиги жамоаси қандай ишларни амалга оширмоқда!

—Маълумки, ҳукумат қарорида фойдаланиш учун ноқулай, унумдорлиги паст бўлган суғориладиган ерларда катта-катта теракзор, қарағайзор ва ёнғоқзорлар барпо этиш, ёғочбоп дарахтларни кўпайтириш лозимлиги қайд этилган эди, — дейди ўрмон хўжалиги бошлиғи Убайдулла Бобомуродов. — Ўтган вақт мобайнида биз 186 гектар майдонни муҳофаза ҳудудига айлантирдик. 74 гектар ерда табиий ўрмонзор барпо этилди. 45 гектар яйловда ёввойи жийда, юлғун, тол, табиий ўтларни кўпайтирдик, турли камёб дарахтлар ўстирдик. 289 гектар ерда теракзор, 38 гектар майдонда мевали боғ-роғлар яратдик. Бундан ташқари, ҳар йили туман хўжаликларига ва қўшни туманларга 300-400 минг дона терак қаламчаси етказиб бераяпмиз.

— Дастлаб экилган тераклар вояга етиб қолгандир?

— Албатта, Биз бу йилдан бошлаб ёғочбоп дарахтларни сотишга киришамиз. Хусусан, жорий йилда 100 куб, кейинги йили 400 куб, 2005 йилга бориб, 500 куб қурилиш хомашёси етказиб беришни мўлжаллаяпмиз.

Айни кунларда мазкур ўрмон хўжалигида иш қизғин. Ўрмончилар 10 гектар ерга «Соводин» навли терак қаламчалари экишни аллақачон бошлаб юборишган. У тез ўсувчан, қаттиқлиги, текислиги жиҳатидан бошқа навлардан анча устундир.

Шу билан бирга, янги экилган кўчатларни парваришлаш, ўрмон заракунандаларига қарши кураш, қуриган шох-шаббаларни қирқиш, ўсишдан қолган хашаки дарахтлар ўрнига талабга жавоб берадиган янгиларини ўтқазиш юмушлари ҳам жадал олиб борилаяпти.

Ўрмонлар, боғлар — юртимиз кўрки, битмас-туганмас бойлигимиздир. Уларни қанчалик кўпайтирсак, нафи шунчалик салмоқли бўлаверади.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Маҳаллий маҳсулотлар рекламасига эътибор

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида Реклама бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси, Реклама бўйича идоралараро кенгаш раиси А.Баҳромов бошқарди. Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган йиғилишида Реклама бўйича идоралараро кенгаш зиммасига юклатилган вазифалар, яъни мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни Ўзбекистонда ва хорижда кенг реклама қилиш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишига оид масала муҳокама қилинди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларни реклама қилиш ишлари бироз жонланганлиги, лекин бу борада олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмаслиги таъкидланди.

Тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган маълумотларга қараганда, республикамиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рекламаси учун 2002 йилда 229 миллион сўм сарф қилиниши режалаштирилган. Амалда ушбу мақсаллар учун 269 миллион сўм сарфланган. Жумладан, телевидениеда реклама бериш учун 60,2 миллион сўм, радиода 11,1 миллион сўм, босма ахборот воситаларида 100,3 миллион ва ташқи реклама учун 97,4 миллион сўм харажат қилинган.

Кенгашда "Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли маҳсулотларини республикадан ташқарида реклама қилишни ривожлантириш чора-тадбирлари режаси" тасдиқланди. Шунингдек, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2002 йилда товарларни кенг реклама қилиш бўйича олиб борилган ишларга танқидий баҳо берилди ва жорий йилда бу йўналишда амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

**(ЎзА).**



# Ишчиларга — махсус кийим-кечак

*«Охунбобоев тумани машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамияти маъмурияти бу ерда ишловчи ишчи-хизматчиларни махсус кийим-кечаклар билан таъминлаш мақсадида тикувчилик цехи ташкил этган эди. Ҳозир янги цехда қўлқоп, этак ва қишки уст-бошлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотларга ҳатто қўшни туманлардан ҳам буюртмалар қабул қилинаётир.*

**СУРАТДА:** ***тикувчи Шаҳноза Умрзоқова.***

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Ўзингга ишон...

Аму-Бухоро канали бошқармасига қарашли Қуйимазор насос станцияси секундига 120 метр куб сувни суғориш тармоқларига узатади. Бухоро ва Навоий вилоятларининг 9 тумани экинзорлари, Қоровулбозор, Муборакдаги йирик заводларни оби-ҳаёт билан таъминлайди.

Бунинг устига бошқарма таассуфидаги яна 7 та насос станциясининг узлуксиз ишлаб туриши кўп жиҳатдан эҳтиёт қисмлар таъминотига боғлиқ. Ҳозиргача улар Россия ва бошқа Ҳамдўстлик мамлакатларидан келтирилар, баъзан узилишлар содир бўларди. Яқинда бундай оворагарчиликларга чек қўйилди. Керакли қисмлар шу ерда ташкил этилган устахоналарда ясалмоқда ёки таъмирланмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 11 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 568,38 | 1 Польша злотийси | 248,88 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1566,48 | 1 СДР | 1318,08 |
| 1 Дания кронаси | 139,82 | 1000 Туркия лираси | 0,59 |
| 1 БАА дирхами | 261,81 | 1 Швейцария франки | 708,70 |
| 1 АҚШ доллари | 961,56 | 1 ЕВРО | 1039,25 |
| 1 Миср фунти | 175,15 | 10 Жанубий Корея вони | 8,06 |
| 1 Исландия кронаси | 12,55 | 10 Япония иенаси | 79,86 |
| 1 Канада доллари | 631,53 | 1 Россия рубли | 30,20 |
| 1 Хитой юани | 116,17 | 1 Украина гривнаси | 180,29 |
| 1 Малайзия ринггити | 253,08 | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Идоралараро кенгаш йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорида белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши ҳамда жорий йилда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича идоралараро кенгаш олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Жорий йилда амалга ошириладиган вазифаларнинг энг муҳими истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган. Жумладан, йиғилишда "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга шарҳ тайёрлаш, бир қанча меъёрий ҳужжатлар, олий, ўрта махсус ўқув юртлари ва ўрта мактаб ўқувчилари учун ўқув қўлланмалари ва дастурлари ишлаб чиқиш, истеъмол товарлари сифати устидан доимий равишда жамоатчилик назорати олиб бориш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Йиғилишда айрим вилоят, туман ва шаҳарларда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларини жой, алоқа воситалари ва жиҳозлар билан таъминлаш бугунги кун талаби даражасида эмаслиги қайд этилди.

Ҳар бир маҳалла, ярмарка, бозор, уй-жой мулкдорлари ширкати, олий ўқув юрти, завод, фабрика ва аҳоли гавжум жойларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича таянч гуруҳларини тузиш борасидаги ишларни давом эттириш лозимлиги таъкидланди.

**(ЎзА).**

# ДЕҲҚОННИ АЛДАШДАН УЯЛИНГ!

*Йил боши деҳқон учун янги режалар фасли бўлибгина қолмай, иш фаолиятининг иқтисодий жиҳатларини тартибга солиш палласи ҳамдир. Пахта, ғалла ва бошқа маҳсулотлар етиштирувчи оилавий пудратчилар, фермерлар хизмат кўрсатувчи кўплаб корхоналар билан шартнома тузишга киришади. Бу иқтисодий муносабатнинг томонлар учун афзаллиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Чиндан ҳам, мазкур жараён, аввало, тенгҳуқуқлиликка асослангани билан аҳамиятлидир. Лекин хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилаётган барча шартномалар ҳам ана шу мезонга мосми?*

Қонунчиликда ғаллакорлар шартномавий режадан ортиқча етиштирилган маҳсулотига ўзлари эгалик қилиши белгиланган. Ширкат хўжаликлари ва пудратчилар ўртасида тузилаётган шартномаларда бу ҳолат қайд этилиши шарт. Афсуски, кўпчилик ҳолларда деҳқоннинг "нони" ҳисобланган айни шу қоида шартномадан тушириб қолдирилаётир.

Мисол учун, Фарғона вилоятидаги "Учкўприк" ширкат хўжалиги ҳамда Наманган вилоятидаги "Янгиобод" ширкат хўжалиги томонидан пудратчилар билан тузилган шартномаларда бу қоида "унутиб" қолдирилган. Оқибатда, юзлаб кишиларнинг ризқи — қирқ тонна ғалла эгаларига берилмаган.

Шу билан бирга, кейинги пайтда шартномавий муносабатлар жараёнида мажбуриятларини бажара олмаган пудратчиларни асоссиз равишда жаримага тортиш ҳоллари учрамоқда. Йил бўйи эл қатори меҳнат қилган, бироқ баъзи сабабларга кўра мажбуриятини бажара олмаган пудратчини жарима билан жазолаш адолатдан эмаслиги равшан.

— Аммо Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги томонидан ўтган йили ғалла етиштириш режасини бажара олмаган 39 нафар пудратчига 11 миллион сўмдан ортиқ жарималар солинган, — деди Адлия вазирлиги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Шокир Саидов ЎзА мухбирига. — Ҳолбуки, бу пудратчиларнинг кўпчилиги айнан ширкат хўжаликлари томонидан вақтида ўғит ва бошқа зарур ресурслар етказиб берилмаганлиги сабабли мажбуриятларини бажара олмаган. Шу боисдан бу жараёнга баҳо беришда бир ёқламалик қилиб, фақат пудратчини жазолаш мутлақо асоссиздир.

Жумладан, Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги У.Мирзаев номидаги ширкат хўжалигида олти нафар пудратчи 9,5 миллион, Қарши туманидаги Я.Омонов номидаги ширкат хўжалигида ҳам бир неча пудратчи беш миллион сўм жарима билан "сийланган". Шу йўл билан айрим ширкат хўжаликлари томонидан ғалла етиштириш учун қилинган ортиқча сарф-харажатлар асоссиз равишда пудратчилардан ундирилган.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда шартнома муносабатларини жорий қилишдан кўзланган мақсад, аввало, оддий меҳнат кишиларининг ҳуқуқини ҳимоялашдир. Ризқ-рўз яратувчи деҳқонларимизнинг раислар олдида елкасини қисиб, таъзимда юрадиган замонлар ўтмишга айланди. Бугун ишнинг кўзини биладиган, ҳуқуқларини англаган деҳқон ҳеч кимга бўйин эгмайди. Лекин, гап ана шу ҳуқуққа бориб тақалганда, пудратчи-ю фермерларимизнинг оқсаши сезилади. Шунинг учун ҳам зикр этилгани каби ҳуқуқбузарликлар содир этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ўтган йил адлия идоралари ходимлари томонидан икки юз мингга яқин шартнома таҳлилдан ўтказилди. Нотўғри тузилган, асоссиз шартлар киритилган шартномалар қайта туздирилиб, қонун талабларига мослаштирилди.

Шартномалар ижроси жараёнида эса ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган кўплаб мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди. Улардан 128 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Обод маҳалла – бизнинг маҳалла

*Ғурур инсонларга берилган туйғулар ичида энг бебаҳосидир. Ушбу ҳаётий лавҳаларда Оҳангарон тумани обод қишлоқларидаги ғурури баланд, ифтихори юксак оддий ва заҳматкаш одамлар ҳақида ҳикоя қиламиз.*

# ҒУРУР

## Орият

... Облиқ қишлоғида бўлганмисиз? Сўлим Ангреннинг шундоққина биқинида жойлашган бу обод маскан мафтункор ва файзли. Маҳалла аҳли якдил, ҳамфикр ва ҳамнафас. Кексалари дуогўй, ёшлари эса савобталабдир. Бу гўшада шундай бир удум борки, бошқа жойда камдан-кам учратасиз. Айниқса, маҳалланинг ори ва шаъни учун ҳар ким ўзини жавобгар сезади. Бу хислат асли бир воқеа сабаб боболардан меросдир. Бунга анча йиллар бўлган. Ўша пайтларда бирорта тўй кўпкари ва курашсиз ўтмаган.

Шундай тўйлардан бири қўшни Бўканинг Кўкоролида бўлиб ўтади. Номдор курашчилар қаторида Облиқдан ҳам паҳлавонлар таклиф қилинади. Қизғин ва аёвсиз курашлар чоғида мезбонларнинг қўллари устун келиб, меҳмонлар эса елкалари ер искаб, бошларини эгиб қайтишади. Дарҳол бундан хабар топган маҳалланинг бош полвони Султонмурод бобо мағлубларни бир ерга йиғади.

— Суф, сизларга полвон деган ном, оримизни ер қилдиларинг-ку, қани менинг ёшлигим, белидан олиб бек бўлмасмидим? Рақибларнинг ҳар бирини қозиқдек қоқмасмидим?!

Йигитлар уятдан қизариб, ерга қарашди.

— Майли, бўлар иш бўлди, — сал юмшади бобо. — Навбатдаги кураш қачон? Баринг тайёр бўлиб тур, ўзим бош бўлиб олиб бораман. Маҳалланинг орини қайтариб оламиз.

Орадан ўтган ўн кун худди ўн йилдек туюлди. Бу орада йигитлар тинмай машқ қилишди. Пскент туманидаги Қурбон баковулнинг тўйидаги катта курашга отланишди. Олдинда Султонмурод бобо, қарашлари бургутдай, минган оти дулдулдай.

Кураш роса қизиди... Бобонинг ўзи курашга тушгандай йигитларни олқишлаб турди. Бу гал чиндан ҳам омад уларга кулиб боқди. Олқишлар остида, совға-саломларга кўмилиб, маҳалланинг орини юзлари ёруғ бўлиб олиб келишди. Шу-шу бу ор муқаддас сақланмоқда. Аслида бу удум ўзининг умрбоқийлиги билан элдошларга ҳамиша йўлдошдир.

## Йигитки яраса, элнинг корига...

... Ўнгут тоғларга туташ Қурама қишлоғи. Одамлари чайир ва чўрткесар. Лекин кези келганда, бу феъллари ҳам ўзларига жуда ярашиқли.

Саксонни қоралаган Холмат бобо биродари Қўлдошни кўргали йўлга тушди. Отахон йўл бўйида давра қуриб турган йигитлар тўдасига яқинлашганда, бир ножўя гап қулоғига қўрғошиндай урилди:

— Янгиликни эшитдингларми? — дерди бир йигит ҳамманинг диққатини ўзига қаратиб. — Қўшнимнинг қизи ким биландир қочиб кетибди.

— Қочиб кетибдими ёки олиб қочишибдими, ким экан ўша марду майдон, — ўсмоқчилаб сўради ёнидаги бир шоввоз.

Ўртада масхаромуз кулгу кўтарилди. Чол азбаройи жаҳли чиққанидан даврага ёриб кирди-да:

— Ғурурингиз қани, йигитлар, бир оиланинг ори топталсаю, сизлар куласизлар, бунинг учун йиғламоқ керак, — деди. Гуриллаган оловга сув сепилгандек бўлиб йигитлар “мум” тишлаб қолишди.

— Маҳалланинг қизи сизга бегонами, бош кўтариб юрганингга ҳайронман. Келбатингдан от ҳуркадию, орингиз пашшачалик эмас-а, эссиз элчилик! Ҳар бирингиз ота-онангиздан Нурсулув воқеасини сўраб кўрингчи, сизлар билан кейин гаплашаман, — чопонининг барини бир силкиб йўлида давом этди чол.

Йигитлар тарқалишди. Бобонинг қони қизиб, ёшлик шиддатини қўмсади. Ўшанда маҳалланинг олди қизи Нурсулувни кўққисдан ўғирлаб кетишди. Муштипар она беҳуш, ота беҳаловат, маҳалла оёққа турган.

Етти баҳодир йигит Холмат чавандознинг сардорлигида ўша кечасиёқ олис қишлоққа от қўйишди. Йигитларни ягона маслак бирлаштирган эди. Қиз номуси — маҳалланинг номуси, уни сақлаш бугун еттовлоннинг чекида. Отлиқлар шахд билан “ўғри” куёвнинг қишлоғига кириб боришганида, кўпчилик ҳушёр тортди.

— Ҳой, номард Ўрозали, кучинг заифага етдими, мард бўлсанг майдонга чиқ. — Бу Холматнинг қаҳрли овози эди.

Меҳмондорчилик роса қизиётган даврадан Ўрозали бир тўп улфатлари билан менсимайгина чиқиб келди ва деди:

— Овчи ўлжасини қайтармайди, азизлар, начора эртага никоҳ, ҳаммаси рисоладагидек.

— Ўлжа ҳам ҳалол бўлса буюради, ўғирлик “ов” тулкининг иши эмасми, номард? — дея отдан тушди чавандоз. Шунда ичкаридан Нурсулув отилиб чиқди. “Мени олиб кетинглар, акалар, заррача айбим йўқ, худонинг олдида юзим ёруғ”. Ҳезланиб турган рақиб томондагилар таққа тўхташди. Ўрозали ҳам иложсиз қолди. Нурсулув эса етти оға қуршовида бехавотир эди.

— Айб мендан ўтди, кечиринглар,— бошлари эгилди Ўрозалининг. — Қулмат чавандоз сўнгги сўзини айтди:

— Майли, эгилган бошни қилич кесмас, кетдик йигитлар...

Ўша кечаси тонг отмасдан еттовлон Нурсулувни ота-онаси бағрига қайтариб олиб келдилар. Ҳозир Нурсулув момо шу қишлоқнинг эъзозли онахони, ўз халоскорларини эса доимо алқайди. Холмат бобо шуларни ўйлаб кетар экан, ўзи доим такрорлайдиган, лекин йигитларга айтишга улгурмаган сатрларни ёдга олди:

*Йигитки яраса,*
*элнинг корига,*
*Сазовор бўлғуси*
*халқ ардоғига...*

## Киприкларим ўпсалар бас...

... Тошсойлик Дўстмат чўпон авжи йигитлик пайтида фалокатга йўлиқди. Отаси Қулмат чўпон хўжаликнинг сурув-сурув қўйларини баҳор-ёз мавсумларида Қурама тоғларининг этакларида боққан. Канотига кириб қолган Дўстматни ҳам ўша кўклам илк бор ўзи билан олиб кетган. Чўпонликнинг сир-асрорини ўргансин, кўзи яйловларга кўниксин, деб ўзининг муқаддас таёғини ҳам қўлига тутди. Бундай ишончдан ғурурланган Дўстмат беҳад шодланди, тагида минган Бойчибори эса кишнаб юборди.

Кунларнинг бирида отарга бўри оралади. Бундан хабар топган чўпонлар дарҳол яйловга отланишди. Сурув тўзғиб кетган, оч бўрилар эса ҳар томонда изиллаб юришарди. Қўйларнинг катта қисмини қайтариш учун Дўстмат отига аёвсиз қамчи урди. Аксига олиб чўчиб кетган жониворлар тубсиз жар томонга яқинлашиб қолгандилар.

— Уларни қайтараман, чу жонивор, — у жиловни адл қўйди. Аммо кутилмаганда тагидаги тулпори қиррали тошга қоқилиб, ер парчин бўлди. Устидаги чавандози эса жарга ағдарилди. Бу ҳолатдан яна бир чўчиган сурув ортга қайтди. Етиб келган чўпонлар беҳуш ётган йигитни жарликдан аранг топишди. Аҳволи жиддий эди. Дўстматни қийинчилик билан туман марказидаги жарроҳлик шифохонасига олиб келишди. У олти ой даволанди. Барибир жароҳатининг асорати битмади. Икки қўллари ҳолсиз ва ҳаракатсизлигича қолди. Тушкунлик гирдобида қовурилаётган Дўстматга отаси дардкаш бўлди:

— Куюнаверма, ўғлим, ҳали ҳам жонинг омон қолди-ку. Одамлар бор кўзлари ожиз, оёқлари шол. Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади, ана Бойчибор сенга интиқ турибди.

Отасининг ўгити, маҳалладошларининг далдаси, энг муҳими, йигитлик ғурури уни яшашга чорлади. Даставвал отига ҳеч кимнинг кўмагисиз минишни ўрганди, сурувни таёқсиз, аммо ҳуштак билан бошқаришнинг ҳадисини олди. Бора-бора Дўстмат бош чўпон бўлди, илғорлар сафида унинг номини ҳам тилга олишди, меҳнатларини муносиб мукофотлашди. Бошига бахт қуши қўниб, оилали бўлди, қўша-қўша фарзандлар кўрди.

Маҳалланинг бу нуроний отахони билан суҳбатлашар эканмиз, гап мавзуси яна инсон ғурури ҳақида бўлди.

— Иним, ростини айтсам ўша оғир паллаларда мени бир нарса — йигитлик ғурури ҳаётга қайтарди. Ётиб-ётиб ўйладим: бошим омон бўлса, кўзларимга нур тўлса, оёқларим югурса, юрагим уриб турса, нега яшамас эканман? Наҳотки йигитлик ғурурим ҳам синган бўлса, йўқ, у синмаган, синмайди ҳам. Тўғри, қўлсиз, оёқсиз, ҳатто сўқир бўлиб ҳам яшаш мумкин. Аммо ғурурсиз яшаб бўлмайди, Ватансиз яшаб бўлмагани каби. Ўзини енгмаган одам ўзгани ҳам енголмайди. Мана шунча умр кўрдим, ношукрлик қилмайман...

Дўстмат бобо олис уфқларга термулди, кўзларида теран маъно порлар эди. Тақдирига бўйсунмаган бу инсоннинг ҳаёт шиори эса шундай экан:

*Юртим менга, зар*
*кеpакмас зарларингдан,*
*Киприкларим ўпсалар*
*бас, гардларингдан...*

**Муҳаммад КАРИМ.**

# «Обод маҳалла йили» Дастури — ҳаётга

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизда халқимизнинг, айниқса, ёшлар, болаларнинг жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлиши учун жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Бугун ушбу йўналишни муваффақиятли давом эттиришдаги жуда катта қадам болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ. Маҳаллалар эса шу жиҳатдан спорт ва бошқа ўнлаб соғломлаштириш тадбирларини ташкил этувчи ва ўтказувчи обод масканларга айланмоғи зарур. Бу, ўз навбатида, Юртбошимиз кўрсатмаларига биноан болалар спортининг тўрт босқичини шакллантиради. Шу билан бирга, маҳаллада меҳр-оқибатни кучайтиришга хизмат қилувчи “Оила спорти” мусобақаларини ташкил этиш масаласига ҳам катта эътибор берилади.

Юртимизда “Отанг маҳалла, онанг маҳалла” деган гап бор. Бу сўзлар замирида маҳалланинг маънавий-ахлоқий тарбиядаги жуда муҳим ўрни таъкидланган. Шу жиҳатдан маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Нуроний” жамғармасининг жойлардаги вакиллари фаолияти самарадорлигига кўп нарса боғлиқдир.

Анъанавий удумлар, тўй ва маъракалар ҳамда бошқа маросимларнинг тежамкорлик билан ўтказилиши ҳам маънавиятимиз ва моддий фаровонлигимизни юксалтирадиган омиллардандир. Бу ишда маҳалла фаоллари, имом-хатиблар, маънавият ва маърифат, маданият ходимлари, хотин-қизлар қўмиталари бир ёқадан бош чиқаришлари зарур.

Йиғилишда “Маҳалла” жамғармаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, “Маънавият ва маърифат” маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва бошқа давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган таклифлар муҳокама қилинди.

Комиссия йиғилишида маҳаллалар ҳаётининг бошқа талай соҳаларида ҳал этилиши зарур бўлган аниқ вазифалар белгилаб олинди ҳамда улар юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

**(ЎзА).**

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Фавқулодда йиғилиш

**Айни пайтда Европа Иттифоқига раислик қилаётган Греция ҳукумати келгуси душанба куни, яъни 17 февралда ЕИнинг фавқулодда саммити бўлишини расман тасдиқлади. Форумни ўтказишдан мақсад — Ироқ атрофидаги вазиятни муҳокама қилишдир деб хабар беради «Рейтер» агентлиги.**

## Олий вакилнинг айтишича...

**ЕИнинг ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича олий вакили Хавьер Солана яқин вақт ичида КХДРга иттифоқнинг миссияси юборилиши кутилаётганини маълум қилган. Миссия Корея ярим оролида ядровий инқироз масаласини муҳокама қилади.**

**«Рейтер» агентлигининг маълумотига кўра, Солана ҳозир КХДРга нисбатан санкциялар киритиладиган пайт эмаслигини ҳам таъкидлаган.**

## Террорчилик хавфи туфайли

**Вашингтон атрофига ҳаводан ҳимоя қилиш ракеталари ортилган транспортёрлар жойлаштирила бошланди. АҚШ пойтахти ва Нью- Йорк узра қирувчи самолётлар патруллиги кучайтирилди.**



**Пентагон вакилининг маълум қилишича, бу ишлар 2002 йилнинг сентябрь ойидан буён биринчи бор амалга оширилмоқда. Ушбу чоралар террорчиликлар содир этилиши хавфи кучайганлиги сабабли кўрилмоқда, деб хабар беради «Си-эн- эн».**

## Сенат қарши

**Парагвай Сенати мамлакат президенти Луис Анхел Гонсалес Маккига нисбатан ишончсизлик эълон қилишга қарши чиқди ва президентни айбсиз деб топди.**

**«Рейтер» агентлигининг хабар беришича, Парагвай президенти давлат маблағини мақсадсиз сарфлашда, фирибгарлик, сўлларга дахлдор жангариларни қийнашда ва ўғирланган хориж автомобилларини яширин сотиб олганликда айбланмоқда.**

## Пхеньян музокараларга тайёр

**Расмий Пхеньян Шимолий Кореянинг ядро муаммоларини тинч йўл билан ҳал этишга тайёрлигини маълум қилди. Хусусан, Пхеньян АҚШ билан музокаралар бошлашга тайёрлигини, аммо**



**Вашингтон тўғридан-тўғри музокаралардан бош тортиши мумкинлигини билдирган. КХДР музокаралар бошлаш учун Буюк Британиядан кўмак сўраган, чунки расмий Пхеньяннинг фикрича, ушбу давлат АҚШнинг энг яқин иттифоқдоши ва агар Вашингтон музокаралардан бош тортса, у аралашиши мумкин.**

**Шимолий Корея ташқи ишлар вазирлиги тарқатган баёнотда, КХДР фақат тинчлик йўлида фойдаланиш учун ядро дастурини қайта бошлагани ва ядро қуролини ишлаб чиқариш режаси йўқлиги қайд этилган, деб хабар беради «Рейтер» мухбири.**

## Ҳали эрта

**БМТ ва Австралия Шарқий Тимордан ташкилотнинг тинчликпарвар контингентини олиб чиқиб кетишга ҳали эрта деган хулосага келишди. Австралия Бош вазири Жон Говард БМТ Бош котиби Кофи Аннан билан учрашувдан сўнг ана шу ҳақда маълум қилган. Шунингдек, Говард Австралия Шарқий Тимор полициясини кучайтиришда кўмак беришни таклиф қилиши мумкинлигини билдирган.**

**«Рейтер» агентлигининг маълумотига кўра, айни пайтда Шарқий Тиморда мингга яқин австралиялик ҳарбийлар бор.**

## Букрилик соғлиқ учун хавфлими?

**Букрилик (сколиоз) ташхиси қўйилган кишиларга даволанишнинг ҳожати йўқ. Америкалик олимлар 50 йилдан зиёд вақт мобайнида юзлаб беморларни кузатиб ана шундай хулосага келишган. Аниқланишича, сколиоз инсон ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмайди, шунингдек, у одамнинг фаол ҳаёт кечиришига ҳам халақит бермайди.**

**“Тадқиқотлардан қилинган асосий хулоса — беморларнинг кўпчилиги ўзини яхши ҳис қилмоқда”— дейди Айова Университети Жарроҳлик ортопедия профессори, ушбу илмий иш муаллифи Стюарт Вейнштейн.**

# Миллат саломатлиги йўлида

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган “Соғлом авлод” ҳамда “Она ва бола” давлат дастурлари ҳаётга изчил татбиқ этилаётир. Ушбу ҳужжатлар асосида ташкил этилган Она ва бола скрининги марказларининг соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишдаги ўрни беқиёсдир. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ягона бўлган бундай марказлар гўдакларнинг соғлом туғилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир, — дейди Республика скрининг маркази раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Мадина ШАРИПОВА. — Айни пайтда жойларда кўплаб янги тиббиёт муассасалари, шифо масканлари, сиҳатгоҳлар барпо этилаётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Марказимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа патологияни барвақт аниқлаш бўйича “Она ва бола скрининги” давлат тизимини ташкил этишга қаратилган қарори асосида ташкил этилган.

Ҳозирда Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қарши, Фарғона, Андижон, Наманган, Нукусда марказнинг бўлимлари изчил фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказларнинг барчаси замонавий ташхис ускуналари, зарур техника ва алоқа воситалари билан жиҳозланган. Уларда малакали шифокорлар фаолият олиб бормоқда. Тез орада эса Навоий ва Урганчда ҳам мазкур марказнинг филиали иш бошлайди.

Ҳомиладорликнинг 15-20-ҳафтасида скрининг марказига келган аёллар, аввало, ультратовушли ускуналар ёрдамида ва бошқа усуллар билан текширилади. Муайян хулосага келингач, эндокринолог, генетик, невропатолог каби шифокорлар кўригидан ўтказилади. Олинган хулосаларга асосланиб, бўлғуси она учун зарур тавсиялар берилади. Хуллас, гўдак туғилмасдан, кейин эса ёруғ дунё юзини кўрганиданоқ унинг саломатлигини назоратга олиш ёш авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом вояга етиши гаровидир.

**Нозокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Ҳоким ва кутубхона

Ҳозир китоб арзон эмас. Газета, журнал ҳам. Ҳамманинг ҳам уларни сотиб олиб ўқишга қурби етмайди. Айниқса, ёшларнинг. Шундай экан, улар кутубхонага келишадими? Келишади. Шундай бўлгач, кутубхонада улар истаган китоб бўлиши керакми? Керак. Ўқиш учун кутубхонада шароит бўлиши зарурми? Зарур. Бироқ... Ҳамма гап шунда.

Қашқадарё вилояти ҳокими ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшитиб, шу ва шу каби саволларга жавоб излади. Эътиборсизлик, ҳа, айнан эътиборсизлик оқибатида кутубхона ташландиқ ҳолга келганди. Тўғри, газетамиздаги танқидий мақоладан сўнг тешик том шифер қоқилиб, ёпилди. Лекин бинонинг айвони, ўқув заллари, китоблар сақланаётган хоналар кутубхона ишга туширилгандан бери таъмирланмас экан. Томдан ўтган чакка туфайли шифтнинг бўёқлари кўчиб, полларга тўшалган линолеум йиртилиб кетган.

Энг ачинарлиси, кутубхонада мустақиллик йилларида яратилган асарлар ниҳоятда кам. Ёшларни мустақиллик мафкураси руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган китоблар етишмайди. Ўқув залларида мутолаа учун шароит йўқ. Қишда қироатхонада ўтирган одам музлаб қолиши аниқ.

Кутубхонани компьютерлаштириш, «интернет»га улаш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Ваҳоланки, кутубхона ҳам ташқи кўриниши, ҳам ички безаги билан китобхонда эстетик завқ уйғотиши, ўқишга, изланишга, фикрлашга чорлаши керак. Энди шундай бўлади. Ҳоким шундай деди. Шу билан бирга у вилоят кутубхонаси тўлиқ компьютерлаштирилиши, ўз навбатида туманлардаги кутубхоналар билан алоқа бўлиши зарурлиги ҳақида гапирди.

Президент асарларини ўқиб, ўрганиб, қалбига жо қилмаган одам мустақиллик ғоясига содиқ бўлолмайди. Истиқлол иши учун фидойилик кўрсатолмайди, деди ҳоким. Шунинг учун кутубхона ҳузурида ташкил этилган Президент асарлари, нутқлари, маърузаларини ўрганиш маркази ишини жонлаштириш даркор.

Кутубхона — ҳақиқий кутубхонага айланиши, замонавий компьютерлар билан жиҳозланиши шарт. Қашқадарё вилоят кутубхонасига келган китобхон ёки газетхон шу ердан туриб, республикамиздаги ва хориждаги китоб, газеталарни ўқиш имконига эга бўлсин. Ҳозир биз шундай асрда яшаяпмиз. Мустақиллик бизга шундай имкониятни берди. Бундан фойдаланиш ўзимизга, ўзимизнинг ҳаракатимизга боғлиқ.

Ҳокимнинг бу фикри қуруқ гап бўлиб қолмайди. Чунки мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берилди. Уларни бажариш муддатлари белгиланди. «Хўп бўлади, бажарамиз», деб ўз билганини қилишга одатланган раҳбарлар энди бу одатларини давом эттириб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилдилар.

Хуллас калом, бор гап шу. Унчалик айтишга арзимайдиган гап бўлиб туюлиши мумкин бу айримларга. Лекин эл бунга бошқача баҳо берди. Қандай дейсизми? Эшитинг.

—Кейинги 10-12 йил ичида бирорта вилоят раҳбари кутубхонага қадам босмовди. Ҳайрият, янги ҳоким ишни маърифатдан бошлабди, худо омадини берсин.

Одамлардан бу гапларни эшитиб, рости, севинчим ичимга сиғмай кетди.

Қаранг, каттадир-кичикдир, ҳар бир ишга эл холис баҳо беради. Шуни назардан қочирмаган, ҳамиша халқни ўйлаган раҳбар ҳеч қачон адашмайди. Энг муҳими, кутубхонада тафаккур булоғидан нур симирган ёшлар парвозни баланд олишади. Ўзбекистон шуҳратини оламга ёйишади.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги моддий-техника таъминот бошқармаси

2003 йил 12 февралдан 12 мартгача қуйидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер савдоси ўтказилишини эълон қилади:



- ҳар қандай йўлларда юрадиган автомобилга ўрнатилган рақамли кўчма флюорографик комплекс;
- «Газель» автомобилига ўрнатилган кўчма криминалистик лаборатория;
- АЦ-40 (433362) русумли 63.Б02 ўт ўчирувчи автоцистерна.



Тендер қуйидаги манзилда ўтказилади:
700070, Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент ш., Ш.Руставели кўчаси,
1-берк кўча, 1-уй.

Телефонлар: 8 10 998 (3712) 55-83-27,
56-72-19,
139-78-27.
Факс: 8 10 998 (3712) 55-83-27.

E-mail: umtvs@uzpak.uz

## Қарғалар ҳужуми

**Германиянинг жанубидаги Леррах шаҳри атрофида қарғалар тўдаси яйловда ўтлаб юрган қўйларнинг 19 тасини ўлдиришган. Йорген Фриц исмли**



**чўпоннинг айтишича, қарғалар қор қалинлиги сабабли озуқа тополмай қолишган ва қўйларга ҳужум қилишган. Шунингдек, Фриц 500 дан зиёд қўйларини доимо ҳимоя қилолмаслигини ва ҳужум пайтида уларнинг олдида турганида ҳам бу ишни эплай олмаган бўлишини таъкидлаган. Чунки қарғалар қонун ҳимоясида ва уларни отиш таъқиқланган. Шунинг учун чўпон қўйларини бу ердаги яйловлардан олиб кетмоқчи, деб хабар беради “Лента ру”.**

